

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 1 апрель, сешанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 62 (11.123)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

КУНИ КЕЧА ШАХРИМИЗНИНГ МУХТАШАМ «ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ САВДОСИ ЯРМАРКА-КЎРГАЗМАЛАР РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ»ДА ДОИМИЙ ҲАРАКАТДАГИ ХИТЎЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ» КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ.



Кўргазмалар

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ

Кўргазмадан жой олди. Гуанчжоу шаҳридаги «Тянь-бао» фирмаси эса 40 дан ортик турдаги қурилиш материаллари билан қатнашди. Шунингдек, «Яньан» компаниясининг турли бўёқлари, «Гаоши Гуанчжоу» масъулияти чекланган жамиятининг герметик қурилиш елимлари, поллар тайёрловчи компаниялар ҳамюртларимиз билан ҳамкорлик борасида узок йиллик шартномалар имзолани ш режалаштирган. Маълумотларга кўра, юртимизда ҳозирда Хитой давлатининг сармомаси ишторикда 140 та қорхона фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий йўналиши эса энгил сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари ҳамда

кўплаб бошқа соҳаларни қамраган. Жумладан, нефть-газ соҳаси ҳам бундан мустасно эмас: Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси Орол денгизи ҳавзасида, Устюрт, Бухоро, Жива ва Фарғонанинг ушбу маҳсулотларга бой ҳудудларида геология-қидирув ишлари самарали олиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон-Хитой давлатларининг ўзаро манфаатли муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан ёрқин далolatдир. Уйлаймики, макур кўргазма ҳам оз бўлса-да, ўзаро манфаатли асосдаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожда ўз ўрнига эга бўлади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Хитойда ишлаб чиқарилган қурилиш ва хўжалик моллари кўргазмасидан лавҳалар
Наталья Семёнова олган суратлар

Қисқа сатрларда

- **КЕЧА** Тошкент Давлат авиация институтиди Ёшлар йили ҳамда Наврўзи олам муносабати билан Лидер қизлар клуби аъзолари иштирокида ўтказилган тадбир Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида уюштирилди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида Наврўз айёми муносабати билан уюштирилган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлар, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Фидокорлар Миллий демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликда шаҳрида ўтказилган илмий-амалий семинар «Ёшларнинг сиёсий онгини шакллантиришда фидойилик тушунчаси» деб номланди.
- **КИМЭ** фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг Тошкентда ўтказилиши муносабати билан Халқ таълими вазирлиги ташаббуси орқали Интернетда ушбу тадбир моҳиятига бағишланган алоҳида сайт очилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Макур кўргазма Марказий Осий савдо компанияси ташаббуси билан «Ўзгўржи савдо-инвест» уюшмаси кўмагида ташкил этилди. Эътиборли томони, икки томоннинг узок йиллик ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари 2005 йилда Ўзбекистон-Хитой давлатларининг ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраган шерикилик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланигандан буён янги босқичга кўтарилиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Кўргазмада иштирок этаётган 60 дан ортик етакчи компания ҳамда фирмалар ўзларининг энг сара, сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш намуналарини ҳамшаҳарларимиз эътиборига ҳавола этишмоқда. Қурилиш материаллари, сантехника, ошхона жиҳозлари, маиший электроника, қулай, бежирим уй-рўзгор буюмлари ўзининг жозибаси, замонавий дизайни, янги йўналиш-



маларидаги баъзи келишмовчиликларни бартараф этади, жарима жаъосини жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш ва жарималарни мажбурий тарзда ундириб олиш тартибини расамда солади, шунинг-

тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноятларга жаъо тайинлашда қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД-ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН «СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: АМАЛИЁТ ВА САМАРАДОРЛИК» МАВЗУИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИ 31 МАРТ КУНИ ТОШКЕНТДА, ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЮНУСОБОД ТУМАНИ СУДИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

деқ жарима тарикасидаги жиноий жаъо ижросини амалий жиҳатдан таъмин этиш учун тегишли ҳуқуқий база яратяди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига жиноятга таъйёрғарлик қўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг ижтимоий ҳавфи тамом бўлган жиноятнингика нисбатан анча қамиллигини инобатга олган ҳолда қиритилган ўзғартиришлар қамроқ жоъ муддати тайинлаш имконини беради. Шу билан бирга бундай энгиллаштирувчи ҳолатлар ўта ҳавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан, тинчлик ва ҳавфсизликка қарши

моддасига қиритилган ўзғартиришлар жиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қўп миқдорда қўнига хилоф равишда сотишга оид жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судлари судловига ўтказиш имконини беради ҳамда одал судловни амалга ошириш масалаларида туман (шаҳар) бўйинига мансуб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан янада жиъсроқ ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъмин этади.

Коммунал хизматлар тўлови ва иш ҳақи бўйича қарзларни ундириш тартибини соддалаштириш муддасини қўлаб, Ўзбекистон Рес-

баркамол шахслар этиб тарбиялаш мақсади муҳасам эканини таъкидлади.

Ёшларнинг тўлақонли таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва қобилияти, интилиши асосида касб-ҳунар эгаллаши учун барча имконият ва шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган «Ёшлар йили» Давлат дастури ёш авлодга оид барча долзарб масалаларни ҳал этиш, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, йигит-қизларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашга қўмаклашиш каби олижаноб мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Дастурда ёшлар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоялашга

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ГОЛАНДИЯЛИК СИЁСАТЧИ ГЕРД ВИЛДЕРС ТОМОНИДАН МУСУЛМОНЛАРНИНГ ДИНИЙ ТУЙГУЛАРИНИ КАМСИТУВЧИ «ФИТНА» ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМИ ЯРАТИЛГАННИ ҚАТЪЙ ҚОРАЛАЙДИ.

Ислом динига нисбатан навбатдаги ҳужумлар ҳозирги кун дунёсида динлараро низоларни атайин келтириб чиқаришга бўлган интилишдан ўзга ҳеч нарса эмас.

Бу хилдаги бемулоҳаза ва масъулиятсиз таъналар тинч-тотувида яшашнинг энг асосий тамойилларида гуноҳроқлик йўл қўймайди, одоб ва ахлоқнинг умумий эътибор этилган меъёрларига зиддир ҳамда уларни ҳеч бир ваҳ ва ишонтиришлар билан оқлаб бўлмайди.

Ўзбекистон жамоатчилиги диний бағрикенгликнинг сақланиши ва барча диний конфессия вакиллари ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши орқалигина миллатлараро тотулик ва ҳамоманглик қоясининг амалга оширилиши таъминлаш мумкинлигига ишонади.

Ўзбекистонда диний низо ва адоватни қўзғатишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймайди учин Европа давлатларида етарли даражада сиёсий ирода ва ақл-идрокнинг намоён этилишига ишонч билдирилади.

(ЎЗА)

2008 – Ёшлар йили

Ёшлар тарбиясида матбуотнинг ўрни

ПОЙТАХТИМИЗДА «БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ» МАВЗУИДА ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ. У ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БΟΣМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ҲАМДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ФОРУМДА Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, мамлакатимиздаги етакчи ёшлар нашрларининг бош муҳаррирлари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этиди.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш

институти директори М.Усмонов, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты О.Усаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ва мирида ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва

доир ҳуқуқий базани такомиллаштириш, уни тобора мустаҳкамлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг сифатини тубдан яхшилаш, ёш авлодни турли салбий таъсирлардан ҳимоялаш, уларда Ватан тақдири учун даҳлдорлик ҳиссини, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, истеъдодини кашф этиш каби йўналишларда долзарб вазифаларга қўзда тутилган. Бундай масъулиятли юмушни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

ФОРУМДА «Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш – мамлакат тараққийининг муҳим омилли». «Ёшларнинг маънавий юксаклигини таъминлашда таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ошириш», «Оммавий ахборот воситаларида ёшлар мавзусининг ёритилиши» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўмиталари ролини янада қучайтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Самарқанд вилояти ҳокимлигида Президентимизнинг жорий йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини кенг тарғиб қилишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида пилла мавсумига тайёрғарлик ҳамда уни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган йғилиш уюштирилди.
- Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги «Япон софосраси ва каштан дарахти кўчатларини экишни қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг Андижон вилоятида кенг кўламадаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, яқинда каштан кўчатларининг 25 минг тупи буюртмачиларга етказилди. Минг тупдан ортик софора кўчатлари эса Андижон шаҳри кўчаларига ҳусн бериб турибди.
- 2008 йилда Навоий вилояти марказида ёшлар учун янги уй-жойлар қурилиши қизгин паллага кирди. Жумладан, қирқ ва қирқ саккиз оилага мўлжалланган иккита қўп қаватли уй фойдаланишга топширилиш арафасида. Бу биноларни Навоийдаги 10-қурилиш-монтаж бошқармаси ва Қизилтепадаги «Темур-Малик» МЧЖ қурувчилари бунёд этмоқдалар.
- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент—Урганч—Санкт-Петербург ҳафталик доимий рейсини очмоқда. Ушбу йўналиш бўйича парвоз тўрт соату 20 дақиқани ташкил этиб, дастлабки рейс 3 апрелда мўлжалланган.
- Янги йилдан бошлаб Наманган вилоятидаги қўп тармоқли «Зилол» фирмаси мебеллари тури яна учтага қўпайди. Хусусан, бу ерда «Ёшлар» тўплами, ёш оилаларга мўлжалланган мўъжаз ётоқ гарнитур, шунингдек, ўқув муассасалари бюуртмисига кўра талаба-ўқувчилар учун ёзув столи ва иккита стулдан иборат тўплам ишлаб чиқаришмоқда.
- Мамлакатимиз ёшларининг топқирлик ва зукколик салоҳиятини рағбатлантиришга қаратилган «Қувноқлар ва зукколар» танловининг охириги саралаш босқичи «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Унда тўртта энг қучли жамоа ўзаро қуч синашди.

ЖАҲОНДА

- Европа давлатлари ўртасида чегаралараро эркин ҳаракатни таъминловчи Шенген ҳудуди яна саккизта давлатга кенгайди. Яъни, кеча Польша, Чехия, Эстония, Латвия, Литва, Венгрия, Словакия ва Словения Шенген ҳудудида расман қабул қилинди.
- Зимбабведа президентлик, парламент ва маҳаллий сайловлар бўлиб ўтди. Президентлик лавозимига Роберт Мугабедан ташқари яна икки киши қураш олиб борди. Илк натижаларга кўра, муҳолифат партия сайловда етакчилик қилди.
- Россиянинг БМТ Жақвсизлик Кенгашига раислик қилиши яқунланяпти.
- Кеча Украинага АҚШ президенти Жорж Бушнинг ташрифи оммавий норозиликларга сабаб бўлди. Киевда эса Украинанинг НАТОга қиритишга қарши митинг бўлиб ўтди.
- Кеча Нидерландияда Европада фаолият кўрсатган албан жиноий гуруҳининг етакчиси қўлга олинди.
- АҚШнинг собиқ вице-президенти Альберт Гор атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қўймати 300 миллион долларлик кампания бошланганлигини эълон қилди. Кампаниядан мақсад табиатнинг ўзгарishi муаммосига эътиборни жалб этишдир.
- Экваториал Гвинея ҳукумати Буюк Британия собиқ бош вазири Маргарет Тэтчернинг ўғли Марк Тэтчерни халқаро полицияга қидирувга берди. Гап шундаки, Гвинея прокуратураси 54 ёшли Маркнинг мамлакатдаги исёнчиларни молиявий қўллагани тўғрисидаги янги ҳужжатларни қўлга қиритди.
- Жаҳон биржаларида нефтнинг нархи сезиларли даражада пасайди.
- Кеча Чилида очилган халқаро авиасалонда жаҳоннинг 43 мамлакати корхоналари иштирок этмоқда.
- Бугун Россияда янги қоидалар бўйича Куролли қучларга баҳорги чақирик бошланди.
- «Евро-2» экологик стандартларига жаъоб бермайдиған юк машиналарининг Москва шаҳри марказида ҳаракатланиши тақиқланди.
- Буюк Британия Франбор аҳоли пунктидаги қўп қаватли бинолардан бирига Cessna-501 энгил моторли самолёти қулаб тушди. Самолёт қулагандан кейин ёнган чиққан ва оқибатда портлаш содир бўлган. Cessna-501 бортидаги 5 нафар йўловчи ва учувчи ҳалок бўлган.
- Буюк Британия олимлари электр энергияси ишлаб чиқарадиган кийим ихтиро қилдилар. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, махсус толалар матодан тайёрланган куртка, свитер, шим ва қўлқоп каби бундай буюмлар уяли телефон ва қўл соатларини электр токи билан таъминлашга қодир.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "АСАКА" ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ,
ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ТАРМОҚ КЕЛИШУВИДАГИ
БЕЛГИЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН КЕНГ
КЎЛАМДАГИ ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.**

"Асака" банки тизимида ишга қабул қилинаётган ходимлардан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ керакли хужжатлар олинди ва меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинади. Булардан ташқари янги ишга қабул қилинаётган ходимлар буйруқ асосида уч ойлик синов муддати билан олинди ва улар ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнат муҳофазасига боғлиқ бўлган иш жойидаги дастлабки йўриқномалар билан таништирилади. Ўш ўринлари қисқартirilаётган вақтда эса ходимлар икки ой олдидан ёзма равишда огоҳлантирилади ва барча тегишли тоовон пуллари тўланади. Иш бевуви ташаббуси билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинишидан олдин касабга уюшма кўмитасининг розилиги олинди.

ҳақ тўланади.

"Ижтимоий Ҳимоя йили" муносабати билан банк маъмурияти ва касабга уюшма кўмитасининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилди.

Тадбирлар режасида банк тизимидаги ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, ногирон, кўп болали ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат фахрийлари, ногиронларнинг соғлигини тиклашга ёрдам бериш, ходимларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг меҳнатини ҳамда аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш, ходимларни соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш, маънавий-маърифий ишлар ҳамда тадбирларни олиб бориш ўрин олган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос кўнча қадрият бўлиб, банк маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси томонидан бунга муҳим аҳамият берилмоқда.

Хусусан, Вазирлик томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси жазони ижро этиш тизимидаги барча муассасаларга амалга ошириш учун юборилган. Мазкур режада тизимда хизмат қилаётган барча тоифадаги ходимларнинг манфаатларини ҳимоялашга, уларнинг соғлигини сақлашга, кам таъминланган, хизмат вақтида ногирон бўлиб қолган, хизмат бурчини бажаришда халок бўлган ва вафот этган ходимларнинг оилаларини, тизимда кўп йил хизмат қилиб пенсияга чиққан фахрийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, шахсий таркибининг хизмат қилиши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратилишига, шахсий таркибни тарбиялашга, улар томонидан хизмат интизоми ва қонунчилик бузилишининг олдини олишга, тизимнинг тақомиллашуви ва ривожланишига замин яратилишида ижтимоий ҳимоя масалаларига катта эътибор қаратилади. Утган давр мобайнида жазони ижро этиш баш бошқармаси ва Тошкент шаҳрида жойлашган тизимдаги муассасалар ходимларига уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида жой-

МЕҲНАТ АҲЛИ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАНФААТЛАРИНИ
ҲИМОЯЛАШ — КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
АССОСИЙ ҲАМРАФИДИ. ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲАЖМИ
ИЖРО ЭТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ҲАМ
УШБУ ЙЎНАЛИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ.**

лардаги ҳокимликларга ер участкалари ажратилиши учун Бош бошқарманинг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан 32 нафар ходимга кафолат хатлари берилган. Ушбу кафолат хатлари орқали Бош бошқарма ва тизимдаги ходимларнинг уй-жой муаммолари ижобий ҳал этилмоқда. Бош бошқарма ва тизимдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 40 нафар ходимларга Бош бошқармага қарашли бўлган оилавий ётоқхонадан икки хонали жойлар ажратилди.

Бундан ташқари 40 нафар ходимнинг ҳар бирига икки хонадан турар жой ажратиш мақсадида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга кам таъминланган оилаларга оилавий ётоқхона олишлари учун рўйхат тузилмоқда.

Шунингдек, ҳар бир ходимнинг юсак маданият соҳиб бўлишига

йўналтирилган ҳуқуқий, сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, маданий ва тарбиявий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мавзулар Дастурий асосида маърифат дарслари ўтказилиши йўлга қўйилган. Жойларда бу борадаги қўлланмалар ва бадий адабиётлардан иборат кутубхонани ташкил этиш ва мунтазам равишда янги адабиётлар билан тўлдириб боришга аҳамият берилмоқда. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларини муборакбод этиш, баҳоли-қудрат байрам соғвалари, пул мукофотларини топшириш, хол-аҳвол сўрашдек хайрли анъана давом этмоқда. Шахсий таркибини меҳнат таътилига ўз вақтида ва тўлиқ чиқишлари ҳамда таътил давомида имтиёзли йўллан-



малар билан даволатиш масканларига буюриш режа асосида йўлга қўйилган.

Бош бошқарма ва унинг тизимидаги ходимларнинг фарзандлари учун "Йулдош" соғломлаштириш оромгоҳида мириқиб дам олишларига барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бундан ташқари барча шахсий таркибга ҳафтада бир кун дам

ли, кам таъминланган оила фарзандларига йўлланмалар бепул берилди.

Маънавият—инсон дунёқарашининг кенгайишига хизмат қилади. 1998 йилдан бошлаб "Маънавият" нашриёти билан тузилган шартномаларга асосан чоп этилган адабиётлардан 127 номдаги маънавий-маърифий, тарихий адабиётлар харид қилинди. Банкининг жамоаси кўп миллиятли эканлиги назарда тутилди, тасарруфидоги ўқув марказида ўзбек тили ва лотин алифбосини ўрганиш ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Банкининг бош идораси ва бўлимларидаги маънавият ва маърифат хоналари керакли адабиётлар билан бойитилмоқда Банк тизимида миллий гоани тарғиб этиш, маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ходимларнинг маънавий савиясини юксалтириш, юртимизда келаётган ислохотлардан кенгрок хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, Республика "Маънавият тарғибот" маркази мутахассислари, жамоат арбоблари иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Республика банклар асоциацияси томонидан тижорат банклари ўртасида хаваскор футболчилар, баскетболчилар командаларининг мусобақаларида "Асака" банк жамоаси фаол қатнашди.

"Асака" Давлат акциядорлик тижорат банки маъмурият ва касабга уюшма кўмитаси ўзaro ҳамкорликда келгусида ҳам ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоялашда бор имкониятларидан оқилона фойдаланади.

Матлюба ДАВЛЯТОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшма Тошкент шаҳар кенгашининг масъул ходими

ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲУДУДИДАГИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ТИЗИМИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ 2007 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШINI МУҲОКАМА ҚИЛИШ ҲАМДА КЕЛГУСИ ЙИЛЛАРГА ЯНГИ ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАҲЛИС ВА КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ҚИЗГИН ҲАМДА.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — МУҲОФАЗА ОМИЛИ

"Тошкент ёғ-мой комбинати" қўшма корхонаси акциядорлик жамиятида ўтган конференцияда ҳам корхона раҳбари ўринбосари Шаҳзод Шомуратов ва касабга уюшма кўмитаси раиси Мирзахон Зуфаров ўтган 2007 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Келиштурув комиссияси раиси эса жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини пухта ўрганиб чиқиб, амалга оширилган ишларга танқидий нуқтаи назардан тузилган далолатномани баён этди.

Сўзга чиққан нотикларнинг таъкидлашларича, раҳбарият ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда, уларга барча қулайликлар яратишда касабга уюшмаси кўмитаси билан ижтимоий шерикчилик тамойили асосида ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб даврда нарх-навонинг мунтазам равишда ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда 2007 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ходимларга 20 фойздан 30 фойзгача ойлик мукофот ўрнатилган бўлса, 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб ойлик иш ҳақи 15 фойзга оширилди. Бундай тадбирларнинг қўлланлиши натижасида ўтган йилда 1190 нафар ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 197 минг сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши муносабати билан раҳбарият касабга уюшмаси кўмитаси иштирокида тузган 13 бандлик чора-тадбирларни амалга ошириш шувобили ва хайрли ишлар учун 110.3 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жумладан, корхона ходимларининг ҳар бири 300 минг сўмлик тиббий сўғурта полиси чиқарилган билан таъминланиб уларнинг даволашилари учун 22 миллион сўм пул ўтказиб берилди.

Акциядорлик жамиятида ходимлар фарзандларини соғломлаштиришга катта аҳамият берилиб мактаб ўқувчиларининг ёғи таътили даврида ҳар бири 82.3 минг сўмлик 100 дана йўлланма ота-оналарга бепул тарзда корхона ҳисобидан берилди.

Корхонада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган кўп болали икки аёлга ҳамда байналмилалчи жангичга касабга уюшмаси

кўмитаси бюджети ҳисобидан сикатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди. Комбинатда жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлар амалга оширилмоқда, яъни қўшимча пул тўланадиган таътиллари, моддий ёрдамлар берилмоқда, кўп йил ишлаб келаётган ходимларга қимматбахо соғвалар (телевизор, совутич ва бошқалар) тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари меҳнат муҳофазаси Келишув режасидаги 21 бандни бажариш мақсадида 288.7 миллион сўм харажат қилинди.

Жами 2007 йил якуни бўйича "Тошкент ёғ-мой комбинати" қўшма корхонасида жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ микдори 2172.3 минг сўмни ташкил этди.

Жамоа шартномаси мажбуриятларининг бажарилишини муҳокама қилишда сўзга чиққан барча ходимлар раҳбарият ва касабга уюшмаси томонидан амалга оширилган ишлардан мамнун бўлганликларини айтиб ўтган йилги фаолиятини "қоникарили" деб баҳолашди.

Бундан ташқари 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан комбинатда 11 банддан иборат тадбирлар дастури тузилиб уларни йил мобайнида амалга ошириш режалаштирилган.

Яъни дастурга мувофиқ корхонада ишлаб туриб контракт асосида ўқитган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқув пулларини тўлаб бериш, ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларини ривожлантириш мақсадида цехлараро мусобақалар ўтказиб голибларни муносиб равишда тақдирлаш, муҳтож ёшларга уй-жойли бўлишларида қўмақлаш каби тадбирлар белгиланган.

Касабга уюшмаси кўмитаси, раҳбарият билан биргаликда ходимларнинг самарали меҳнатини қўллаб-қувватлаш уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ишларига эътиборни қўлайтирмоқда.

Шавкат ҚУШОКОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари, Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ВА МАЪНАВИЯТ

**ЁШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВА
УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА
ҲУРМАТ, ВАТАНГА МУҲАББАТ
РУҲИДА КАМОЛ ТОПИШИГА
ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН
ҲИСОБЛАНИШ, МЕҲНАТ ВА ЎҚУВ
ЖАМОАЛАРИДА БУ БОРАДА
МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислам университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Тошкент Ислам университети ва "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида "Ёшлар камолотида маънавий мероснинг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда 200 га яқин талаба-ёшлар иштирок этди. Давра суҳбатини университет ректори профессор Р. Абдуллаев очиб берди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси вазифасини

бажарувчи Ортиқ Юсупов "Миллий ва диний қадриятларнинг ёш авлоди тарбиялашдаги роли", Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонон Алимов "Ёшлар Ватанимиз келажаги", Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Ақром Алимов "Ёшлар ҳаётида миллий қадриятлар", Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари ўринбосари М.Нурматов "Маънавий мерос—ёшларни миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашнинг омили" мавзуларида мавзуза кичдилар.

Тадбирда талабалар орасида викторина савол-жавоблари ўтказилиб, суҳбат давомида фаол қатнашган университетнинг "Ислам тарихи ва фалсафаси" факультети 1-курс талабаси Ф.Қушбаев 1-урини, мазкур факультетнинг 2-курс талабаси З.Рўзиев 2-урини ва "Филҳ, иқтисод ва табиий фанлар" факультети 3-курс талабаси Ф.Элмирзаев 3-урини эгалладилар ва тадбир ташкилотчилари томонидан эсдалик соғвалари билан тақдирландилар.

Юсуфжон СОДИКОВ,
Тошкент Ислам университети касабга уюшма кўмитасининг раиси

СПОРТ — ЭЗГУЛИККА ЕТАҚЛАЙДИ

**МЕҲНАТКАШЛАР ОРАСИДА СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИгини
ОШИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРғИБ
ҚИЛИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ҲАМ
ЭГАЛЛАЙДИ.**

Яқинда Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуида тармоқ касабга уюшмалари шаҳар ташиклотларининг мини-футбол бўйича 8 та жамоаси иштирокида фахрийлар ўртасида қизиқарилиб беллашувлар бўлиб ўтди. Фахрийларнинг жамоалари икки гуруҳга бўлиниб баҳо олиб бориб, чиройли, хаяжонли дақиқаларга бой ўйинларни намойиш этдилар.

Қизгин, кескин спорт мусобақалари остида ўтган мусобақаларда голиб ҳамда соғирондорлар аниқланди. Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгашининг фахрийлар жамоаси голиб чиқиб, "Ўзмет-машанасот" касабга уюшма кўмиталари раисларининг

"Алгоритм" командаси фахрилик инкинчи ва Автотранспорт ва йўл ҳужалиги ходимлари касабга уюшмаси кўмиталари раислари шаҳар кенгаши жамоаси ўинчилари Фариҳ Хабибуллин "Энг яхши ҳужумчи" номинациялари бўйича голибликни қўлга киритдилар.

Муносабада голиб чиқиб билан биргаликда фаол қатнашши, спортнинг янада о м а в и й л а ш и ш и г а , ёшларни спортга кенг жалб этишда ибрат кўрсатиш билан муҳим аҳамият касб этади.

Сандмаҳмуд ЯҲЪЯЕВ,
Тошкент шаҳар касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ»
ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТИКЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ, «КАМАЛАК» БОЛАЛАР
ТАШКИЛОТИ**

2008 йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилинган муносабати билан оммавий ахборот воситалари, энг аввало ёшлар ва болаларга қаратилган даврий нашрлар, интернет-порталлар ва сайтларни республикамизда ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол воғга етиши йўлида амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар, уларнинг ҳаёти, ўқиш, ишланлишлари, ютуқ, муваффақиятлари, муаммолари ҳақидаги тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий материаллар билан бойитиш, ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида мамлакатдаги ёшларга ихтисослашган барча газета ва журналлар, интернет-порталлар ва веб-саҳифалар ижодкорларини, 30 ёшгача бўлган барча журналистлар ва ижод билан шуғулланаётган талаба-ёшларни «ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ!» деб номланган танловда иштирок этишга таклиф қилади.

Танлов шартлари:
Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига ихтисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар, веб-сайтлар, 30 ёшгача бўлган ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борадиган ёки улар билан ҳамкорлик қиладиган ижодкорлар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари талабалари иштирок этишлари мумкин.

Танловга топширилган материаллар 5 тадан кам бўлмаслиги шарт. Танловга юборилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

Голибларни аниқлашда тахририятлар фаолиятининг ёшлар ва болалар ўртасида оммавийлиги, мавзунинг ёшлар ҳаётида тугган ўрни, долзарблиги, «Ёшлар йили» Давлат дастури мақсад-вазифаларига мувофиқлиги, профессионал маҳорат, тил ва услубий оригиналлик асосий мезон ҳисобланади.

Танлов икки йўналишда ўтказилади:

1. Ёшлар ва болалар йўналишига ихтисослашган энг яхши босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-саҳифалар тахририятлари учун.
2. Ёш журналистларнинг босма ОАВ ва интернет тармоғида чоп этилган ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол воғга етишига қаратилган материаллари учун.

Танловга 2008 йил 1 январдан 2008 йил 20 декабргача чоп этилган материаллар қабул қилинади. Танлов голиблари нуфузли экспертлардан таркиб топан танлов ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов номинациялари:
Тахририятлар йўналиши бўйича:

- энг яхши ёшлар газета/журнали;
- энг яхши болалар нашри;
- энг яхши талабалар газетаси;
- ёшларнинг энг оммавий портали, веб-саҳифаси.

Ёш журналистлар йўналиши бўйича:

- «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» («Ёшлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад-вазифаларнинг мамлакат ҳудудларида амалга оширилиши кенг ёритилган, республикамизнинг илм-фий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, соғ-сан, спорт соҳаларида ёшларнинг фаол иштироки, давлатимизнинг ёш авлодга қаратилган сиёсатининг амалий натижаларига бағишланган турли журналистик жанрлардаги туркум материаллар).

Голибларга мукофотлар:
Голиблар танлов ташкилотчилари томонидан таъсис этилган диплом ва қимматли соғвалар билан тақдирланади.

Танлов материаллари ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» деган қайд билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашига 2008 йил 31 декабрга қадар жўнатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 11-уй.
Ташкилий кўмита.

Иқтисодиёт МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН


**АҲОЛИ ДАСТУРХОНИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-
ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ
ЙЎЛИДА ИЗЛАНАЁТГАН ЖАМОАЛАР ОРАСИДА
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР «АБРОРОВ У.С.» КИЧИК
КОРХОНАСИНИНГ АЛОҲИДА ҲАМРАФИ.**

Маҳаллий хом ашё — гўшти қайта ишлаш йўли билан қолбаса ва бошқа гўшт махсулотлари тайёрлаётган ушбу корхона ўзининг 4 йиллик фаолияти давомида анчагина муваффақиятларга эришди. Бозорни ўрганиш асосида махсулот турлари 7 хилдан 33 хилга етди. Айнққса, сифати ҳамда қадоқланиши билан харидор эътиборини тортаётган қайнатиб пиширилган, дудланган қолбаса ва сосисалар талабга тўла жавоб беради.

— Айни пайтда махсулотларимизни Россиядан келтирилган гўштни қайта ишлаш дастгоҳ ва усқуналарни қувватидан самарали фойдаланиб ишлаб қараётган бўлсак, — дейди хусусий тадбиркор Убайдулла Абборов, — Ёшлар йилида йигит-қизларни иш билан таъминлаш, махсулотларимиз турларини қўлайтириш мақсадида Австриядан янги линия олиб келиб цехларимизни жиҳозлашни режалаб турибмиз. Асосий мақсадимиз ҳалол, сифатли ва ҳамёнбоп махсулотларни харидорларга тортиқ этишдир. Уни амалга ошириш учун имкониятларимиздан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилаяптим.

Хусусий тадбиркор Убайдулла Абборов асосий хом ашёни Жиззах вилоятидаги фермер ҳўжаликлари билан шартнома асосида олади. Тайёрланган қолбаса ва бошқа гўшт махсулотлари «Ўрикзор» бозоридоги дўконларда ва шартнома асосида пойтахтимизда истеъмолчиларга 30 дан зиёд савдо шохобчаларида истеъмолчиларга етказиб берилляпти.

Нозима АКРОМОВА



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Ўзимиз кўмилиб айбларга, яна Ўзгалар айбини қиламиз таъна.

Бир сўзни ўн марта қайтарар нодон, Дононинг ҳар сўзи бир дардга дармон.

Душманларинг билан ўлтирса дўстинг, Бир куни албатта шилади пўстинг.

Агар яшай десанг тинчу хотиржам, Бечоралар кўнглин овлагин ҳар дам.

Айбин айтмасалар кимнинг ўзига, Кўринар фазилат бўлиб кўзига.

Мазлум дили охи эговга ўшар: Ўзи кесмаса ҳам, тигни тез қилар.

Ёмонларга яхшилик қилиш яхшиларга ёмонлик қилиш билан баробар.

Кимки имкони борида яхшилик қилмаса, ночор қолганида қаттиқчилик кўради.

Осон вақтда кўнгилларни овлаки, то оғир пайтда иш берсин.

Кўлдан келса, овла биров кўнглини, Фазилат саналмас синдириш дилни.

Бировни қилай деб шоду бахтиёр, Яхшимас бошқага етказиш озор.

Дунёни эгъллаш фазилат эмас, Кўлдан келса, овла бирор дилни, бас.

Овлаш учун дўстлар дилини, Сочса арзир ота молини.

Доно нодондан нафрат этади, нодон донодан ваҳшат.

Оқил бўлсанг, бир ишорат кифоя.

Оқил ҳар бир сўздан панд оладю уни дилига жо қилади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ФРАНЦИЯ КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ КУРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАВИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА КЎПЛАБ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА. ФРАНЦИЯ КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БЕРНАР КАБОС-ДЮАМЕЛЬНИНГ КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИГА ЮБОРГАН МАҚТУБИ ҲАМ ҲАР БИР ҚАЛБАДА ГУРУР ВА ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИНИ УЙҒОТАДИ. МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИ БЎЛГАН КУРАШНИ, БОШҚА ЮРТ ВАКИЛЛАРИ СЕБИВ РИВОЖЛАНТИРАЁТГАНИНИНГ ЎЗИ ҲАР БИР ЎЗБЕК УЧУН ФАХР ВА ГУРУРДИР.

Миллий ифтихоримиз

КУРАШ ФРАНЦИЯДА ТАНТАНА ҚИЛМОҚДА

— Жаноб Бернар Кабоснинг билдиришича, — дейди Кураш Халқаро Ассоциацияси матбуот котиби Зулхумор Рўзиева, — кураш федерацияси курашнинг оммавийлигини ошириш мақсадида анъанавий кураш турлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. 10, 11 май кунлари Биолли-де-Бюш халқаро ўқув тайёргарлик дэюдо бўйича миллий чемпионатда кураш тақдироти ўтказишни режалаштирган. 22, 24 июль кунлари эса, кураш бўйича «Тест де Бюш» халқаро ўқув тайёргарлик машғулоти ўтказилади. Бу машғулотларда КХА га янги аъзо бўлган Испания кураш федерацияси вакиллари ҳам иштирок этадилар. Тулуза шаҳридан унча узоқ бўлмаган Пурпиа-

ри шаҳрида 12, 13 июль кунлари бўлиб ўтадиган мусобақа доирасида ҳам кураш бўйича турнирлар ўтказилади. Шунингдек, Франция кураш федерацияси Испания федерацияси билан ҳамкорликда Испанияда кураш тақдироти ўтказишни ҳам режалаштирган. Булар билан бир каторда Франция кураш федерацияси Бордо шаҳри ёшлари ва талабалари учун кураш клубларини очиш арафасида. Клуб аъзолари Ўзбекистон ҳақидаги деворий кўргазмалари билан Бордо шаҳрида май ойининг бошида бўлиб ўтадиган халқаро ярмаркада иштирок этадилар. 19-20 апрель кунлари эса федерациямиз томонидан конферен-

ция ташкил этилади. Унда савдо палаталари вакиллари ҳамда маҳаллий ташкилотларнинг масъул шахслари билан Франция кураш федерацияси вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтади. Бундан кўриниб турибдики, Франция кураш федерацияси амалга ошираётган ишлар тахсинга лойиқ. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, ўзбек курашнинг доври оламни тутмоқда, бу биз учун катта бахт, олий мартабадир... Дарҳақиқат, ўзбек курашнинг нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. Кураш ўзбекининг бекилини, ўзлигини, миллий анъана ва кадрларини ўзида жамулжам қилиб, ётти клим узра бирдай танитмоқда.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ПОЙТАХТДАГИ ЎЗБЕКИСТОН СУВ СПОРТИ САРОЙИДА СИНХРОН СУЗИШ СПОРТИ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

НАЗОКАТЛИ АЁЛЛАР БАҲСИ

Республика чемпионатида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоалари голиблик учун кураш олиб борди. Чемпионат олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнирлар олдидан айрим спортчиларимиз учун яна бир бор синов вазифасини ўтаб берди. Синхрон сузиш айнан қизлар учун мослиги, сузишнинг бир неча турларини ўзида мужассам этгани билан эътиборлидир. Унда спортчилар нафақат акробатика, бадий гимнастика, хореография турларини ўзлаштиришди, балки сув остида сузиш ва сувга сакраш каби мураккаб элементларни ҳам ўрганишди. Ўзбекистон чемпионатида иштирокчилар айнан мана шу элементларни техник ва тактик жиҳатдан қай даражада ўзлаштирганиларини ҳакамлар эътиборига ҳавола этишди. Ўн бешинчи апрелда олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнир бўлиб ўтади. Бугунги кунда синхрон сузиш бўйича терма жамоамизнинг икки вакили Наталия Каренка ва Валентина Тапорова ҳам ушбу турнирда иштирок этиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Чемпионатда эса улар жуфтлик баҳсларида ўз имкониятлар-

рини синондан ўтказиб биринчи ўринни қўлга киритишди. Мамлакат чемпионати улар учун муҳим мусобақалар олдидан ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ўтаб берди. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа якунида синхрон сузиш бўйича терма жамоа аъзолари, Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ҳамда Синхрон сузиш федерацияси мутахассислари иштирокчида матбуот анжумани ҳам ўтказилди. Унда терма жамоа аъзолари Корея, Япония, Россия, Таиланд, Исроил, Япония, Австралия ва Греция каби давлатларда бўлиб ўтган жаҳон ва Осиё мусобақаларида иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишгани таъкидланди. Ийгиликда мусобақа якунлари, жамоаларнинг тайёргарликлари, голиб мавзуларда сўз юритилди. Шунингдек, терма жамоанинг «Пекин-2008» олимпиада ўйинлари саралаш баҳсларига тайёргарлиги ҳақида ҳам маълумот берилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети куйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

№	Кафедра номи	Каф.муд	Профессор	Доцент	Катта ўқит	Ассистент
ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ						
1.	Менежмент			3	2	1
2.	Дизайн				2	
3.	Иқтисодиёт назарияси		1		1	
4.	Фалсафа			1		
5.	Сўбатшунослик ва социология	1		1		
6.	Педагогика ва психология	1			1	
ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ						
1.	Геология, минералогия ва петрография	1				
2.	Кончилик иши				1	
3.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			1		1
4.	Кончилик электр механикаси				1	
НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ						
1.	Нефть ва газ иши			2	3	3
2.	Касб таълими (нефть ва газ иши)	1		1	1	1
3.	Умумий кимё				1	1
4.	Умумий физика		1	2	2	1
5.	Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси			1	1	2
ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ						
1.	Электр станциялари тармоқлари ва тизимлари					1
2.	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари				1	
3.	Кабель, электр изоляция техникаси ва энергия тежамкорлиги	1		1		
4.	Иссиқлик энергетикаси			1	1	1
5.	Олий математика			3	2	2
МЕХАНИКА-МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ						
1.	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш					1
2.	Машинасозлик материалларига ишлов				1	

№	Бериш	1	2	3	4
3.	Пайвандлаб, ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси			1	
4.	Металлар технологияси ва материалшунослик				1
5.	Технологик машиналар ва жиҳозлар				1
6.	Ер усти транспорт тизимлари (қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар)	1		1	
7.	Агроинженерия				1
8.	Материаллар қаршилиги, машиналар ва механизмлар назарияси				1
9.	Сервис техника ва технологияси ва машина деталлари		1		1
10.	Чизма геометрия ва инженерлик графикаси			3	
11.	Касб таълими (ЕУТ) ва энергомашинасозлик			1	
ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ					
1.	Электроника ва микроэлектроника		2		
2.	Нанотехнология	1		2	
3.	Электр техниканинг назарий асослари		1	2	
4.	Автоматлаштириш ва бошқарув				2
5.	Асбобсозлик		1	1	
6.	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш	1			1
7.	Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш			1	
УМУМ ТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ					
1.	Маънавият асослари ва миллий истиқдол гоёси			1	
2.	Тиллар (ўзбек ва рус)		1	3	1
3.	Хорижий тиллар (инглиз, немис, француз)			1	
4.	Жисмоний тарбия				1

Аризалар қабул қилиш муддати – эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой. Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, 211-хона. Телефонлар: 246-46-00; 246-81-42; 246-61-17

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан куйидаги таълим муассасанинг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Чилонзор Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Учтепа тумани, У.Юсуфов кўчаси, 1-уй
2	Дўмбиробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Чилонзор тумани, Дўмбиробод кўчаси, 74-уй
Директор ўринбосари лавозимига		
1	Миробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Миробод тумани, А.С.Банокатий кўчаси, 17-уй
2	С.Раҳимов политехника касб-ҳунар коллежи	Собир Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй
3	Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи	Сергели тумани, Қўйлиқ 5-даҳа, 50-уй
4	Тошкент саннат касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улугбек тумани, Яланғоч даҳаси Раҳматуллин кўчаси
5	Тошкент меҳмонхона хўжалик касб-ҳунар коллежи	Сергели тумани, 1-даҳа, Ислом Сатторов кўчаси, 33-уй
6	Чилонзор матбаа касб-ҳунар коллежи	Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уй
7	М.Улугбек информатика касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улугбек тумани, Тепамасжид кўчаси, 4-уй
8	Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Миродов кўчаси, 9-уй
9	Х.З. Калонов номли Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Хурпид кўчаси, 45-уй
10	ЎзДЖТУ қошидаги 2-сон академик лицей	Якқасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизиминда педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларида бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Сўровнома (справка—объектива);
4. Таржимаи ҳол;
5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9. Паспорт (нусхаси);
10. Тавсифнома;
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номоздлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават: Тел: 136-05-01, 133-80-34.

2008 йил 16 апрель соат 10.00 да «Иссиқликэлектрлояха» ОАЖнинг (Шаҳрисабз кўчаси, 22) катта залида манфаатдор шахслар, мутахассислар ва ташкилотларнинг учрашуви бўлиб ўтади. Учрашувада Тошкент Иссиқлик станциясида 370 МВт қувватли буғгаз қурилмасини ўрнатиш лойиҳаси муҳокама қилинади.

Мурожаат учун: Хомова Татьяна Викторовна, тел. 256-54-97.

1850 x 2950 x 100 мм, 640 x 2435 x 16 пўлат; гильотина, ишламайдиган ҳолдаги фрезерлик дастгоҳи сотиб оламан.

Т: 305-03-54.

Ўзбекистон Республикаси Сўғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-тектириш институти ва клиникаси жамоаси шифокор

А.ХАЙТОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шаҳр» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босямоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.